



«Амир Абдулқодир жиход жангида қўмондонлик киладиган, намозда имомликка ўтадиган шахслардан бўлган. У ўз номлари ва буйруқларида ҳамиша Куръони каримга асосланган. Шом ва ҳуфтон намозларидан олдин чодир олдида тик турганча кавмига ваъз ўқиган... Ва айнан шу сабабдан мўминларнинг калбидаги диний ва жанговар жўшқинлик кундан кунга янги куч олиб бораверган. Бинобарин, Абдулқодир ўз халқи учун рўшнолик ва самимий илиқликнинг асосий манбаидай бўлиб қолган».

Атокли Ислом тарихшуноси доктор Али Саллабий

Накадар буюк экан Жазоир! Тан олишим керакки, ушбу юртнинг на қадимий, на янги тарихидан хабарим бўлган экан. Мароқаш билан Тунис ҳақида сал кўпроқ билар эдим. Балким бу борада маълум вақтгача билимсиз бўлганча қолганим боис, менда: «Жазоирнинг тарихи бўлганми ўзи?» - деган савол тугилишига сабаб бўлгандир. Аммо кейинчалик, ушбу Исломий ўлканинг ўтмиши битилган ҳужжатларни атрофлича ўрганиб чиқар эканман, дарҳақиқат, Жазоирнинг тарихи зарҳал ҳарфларла битилишига муносиб эканлигини теран англаб етдим. Таассуфки, мактабда ўзлаштирган дарслиқларимизга ушбу юрт тари-ҳининг асосий қисми киритилмаган эди. Балким мактабнинг таълим дастурини тузганлар Жазоирдек буюк давлатнинг тарихидан беҳабар бўлишгандир, балким улар Ислом уммати тарихига тажовуз қилаётганлар тоифасидан бўлиб ушбу ўлка тарихига доир маълумотлар мусулмонлар орасида кенг тарқалишини хоҳлашмагандир. Жазоирни истило қилиш тарихи асосан денгизда кечган Исломий жиход билан боғлиқдир. Превеза шаҳри яқинидаги, Ислом тарихида энг йирик денгиз жанги саналадиган, мазкур асарнинг олдинги бобларда ҳикоя қилинган унутилмас денгиз муҳорабасида мусулмонлар галаба қозонгач, денгиз сарқардаси раҳматли Барбаросса

Жазоирда йирик Исломий флот барпо этишга киришди. Ушбу флот Урта денгиздаги нихоятда кудратли харбий-денгиз кучларига айланди. Жазоир юрти халк орасида «Ислом масканию жиход манзили» деган номга сазовор бўлди. Мана шундан сўнггина Жазоир давлати салиб юришчиларининг диккат марказидан ўрин олган жиддий объектга айланди. Усманийлар халифалигининг Жазоир харбий-денгиз флоти узок чўзилган уч аср давомида Урта денгизда яккахокимлик килгач, уммат душманлари мусулмонлардан касд олиш учун кулай пайт пойлаб юришди. Христиан давлатларининг рахбарлари Жазоир муаммосига багишланган бир нечта конференциялар ўтказишди. Ўша йигинларда мухокама килинган асосий масала: Жазоир дахшатида бархам бериладиган вақт қачон етиши бўлди. Ва бундай имконни улар 1827 йили кўлга киритишди. Ўша йили Россия-Англия-Франция иттифокининг бирлашган эскадрасига қарши жанг килган Усманийлар халифалигининг харбий-денгиз флоти Наварин мухорабасида мағлубиятга учради. Французлар бундай кулай фурсатдан зудлик билан фойдаланиб, шу йилнинг ўзидаёқ Жазоирга ҳужум қилишди ва уч йил давом этган денгиз камалидан сўнг, 1830 йили юртни босиб олишга муваффақ бўлишди. Франция истилоси Жазоирдаги кашшоклик ва саводсизликка бархам берди деб ҳисоблайдиганлар шуни билиб қўйсинки, Жазоирнинг ўша даврдаги аҳолиси орасидаги саводли одамлар сони Франциядаги саводли одамлар сонидан анча кўп бўлган. Барча тарихий тадқиқотлар шуни кўрсатмоқдаки, Жазоирдаги усманийлар ҳукуматининг сўнгги йилларида таълим ва маданият масалалари жуда юксак савияда бўлган. Немисларнинг жаҳонгашта тадқиқочи олими Вильгельм Химбринг ёзишича, 1831 йил декабрь ойидаги Жазоирга ташрифи давомида оддий халк орасида ўқиш-ёзишни билмайдиган бирорта арабни учрата олмаган экан. Жанубий Европада эса айни вақтда, оддий халк орасида ўқиш-ёзишни биладиган одамни топиш жуда қийин кечган. Немис сайёҳининг шахсий тадқиқотида кўра, француз генерали Фалез 1834 йили: «Шаҳар ва қишлоқларда ўқитувчилар сони кўп бўлгани сабабли Жазоирдаги арабларнинг деярли ҳаммаси ўқиш-ёзишни билади», - дея маълумот берган экан. Кўпчилик эшитиб хайрон бўлиши мумкин-у, лекин Франция ўша даврда Жазоирдан қарз олиб кун кўрган ва ҳаддан ортиқ қўпайиб кетган қарз миқдорини Жазоир ҳукуматида қайтариб беришга қурби етмай қолган. Иш шу даражага бориб етганки, қарз қайтариш муддати узок чўзилиб кетгач, Жазоир ҳуқмдори қўлига қириб қолган пашша ўлдиргич билан Франция элчисини савалай кетган. Айнан мана шу ҳолат Жазоирни босиб олишга сабаб бўлган. Францияда юз берган инқилоб, ушбу диний давлатни дунёвий давлатга айлантириб, диний мутаассибликдан батамом ҳалос этди деб ўйлаганлар нихоятда чуқур янглишадилар. Бу гап адолатдан анча йироқ эканлигини французларнинг ўзидан билиб олишимиз мумкин. Ўшанда Франция ўзини католицизм ҳимоячисидай ҳис этиб, Жазоир устидан эришган галабасини Ислом устидан эришган галабадай кўрган. Бу ҳолат Жазоирни қамал қилган француз саркардаларидан бири де Клермон-Тоннернинг: «Балким ўз маданиятимизни маҳаллий аҳоли орасида қенг оммалаштиришга ва бу билан юрт халқини христианлик динига киритишга муваффақ бўлармиз» - деганидан аён бўлади. Франциянинг Жазоирни истило қилиш қўшинлари қўмондони де Бурмоннинг галаба шарафига уюштирилган тантанали маросимда: «Подшоҳим, ушбу харбий галаба билан мен Африка соҳилларига қириб келадиган христианлик учун дарвоза очдим», - деган сўзларидан ҳам аниқ бўлиб қолади.

Жазоир забот этилиб, истило қилинган фурсатдан Ислом умматининг буюк қахрамонларидан бири - француз босқинчи-салиб юришчиларига қарши Исломий жиход

харакатини бошқарган амир Абдулқодир Жазоирӣ ҳақидаги ҳикоямиз бошланади. Ўша вақтда у эндигина йигирма ёшга тўлган эди. Абдулқодир Жазоирӣ маҳаллий қабилаларни бирлаштиришга муваффақ бўлди ва французларнинг астар-пахтасини ағдариб, уларга катта талафот етказганча, Ватанини забт этган зобитларга қарши кураш бошлади. Иложсиз қолган Франция амир Абдулқодир Жазоирӣ ва унинг қўшинини тор-мор қилтириш учун Жазоирга армия йўллашга мажбур бўлди. Ўз даврининг замонавий қурол-аслаҳа тизимлари ва қудратли артиллерия тўплари билан қуролланган, Франция ҳарбий вазири Трезелнинг шахсан ўзи қўмондонлик қилган француз армияси 1835 йили ҳикоямиз қахрамони амир Абдулқодир Жазоирӣ бошқарган Жазоир армияси билан Макта бўсағасидаги жангда тўқнаш қелди. Ушбу унутилмас жангда Жазоирнинг қахрамон мужоҳидлари француз босқинчилари устидан ғалаба қозонишди. Хали йигирма олти ёшга тўлмаган зўр истеъдодли сарқарда амир Абдулқодир Жазоирӣ жамики жаҳоннинг диққат-эътиборини ўзига қарата қилди.

Иирик ғалабани қўлга қиритган амир Абдулқодир Жазоирӣ Франция истилочиларига қаршилиқ қўрсатишни давом этди. У уруш олиб боришнинг «сайёр пойтахт» дея номланган, илгари ҳеч қимга эшитмаган янги тактикасини ихтиро қилди. Ўзининг сайёр пойтахти билан бир ердан бошқа ерга қўчиб юрган амир Абдулқодир Жазоирӣ узок йиллар давомида французларни қаросимага солиб юрди. Жазоир мужоҳидлари муайян жойда турмагани боис, уларнинг устига ҳужум уюштириш имқонига эга бўлмаган французлар эса қетма-қет талафотлар қўравериш тинка-мадори қуриди. Охири улар ёш амир билан тинчлик сулҳи тузишга мажбур бўлишди. Бироқ қўп ўтмай, француз босқинчилари ўзларининг мунофиқ табиатларига ҳос тарзда ушбу сулҳ шартларини бузишди. Босқинчи генерал Пежо ёндириб қовжиратиш сиёсатини қўёбга қикариб, тасаввур қилиш мумкин бўлган ҳарбий жиноятларни содир этди. «Қишлоқларингизга ўт қўйиб, меваги дарахтла-рингизни қесиқ битираман!» - баёноқ қилди у жазоирликларга. Узок йиллар таъқиб қилғач, ниҳоят французлар амир Абдулқодир Жазоирӣни қўлга олишга муваффақ бўлишди. Уни Франция қамқонасида асрашиб, бир неча йўлдан қўнг Жазоирга қайтмаслик шарти билан қўйиб юборишди. Амир Абдулқодир Жазоирӣ Исломи қалифалиқ пойтахти Истамбул шаҳрига йўл олди. Муслмонлар қалифаси уни эхтиром-ла қарши олди. Қалифанинг ижозатини олган амир Абдулқодир Жазоирӣ умри қўёнига етгунча, яъни ҳижрий 1300, қилодий 1883 йилғача Дамашққа яшади.

Айнан омайқиларнинг тарихий пойтахти Дамашқда амир Абдулқодир Жазоирӣнинг ҳақиқий улугқифатлиги ва Ислоқ динининг асл улуглиги биз учун яна бир бор намоён бўлади. Гап шундаки, Шомдаги друзлар билан насронийлар ўртасида юзага қелган қонли қожаро 1860 йили роса авж олди. Қунлардан бир қун қабрланган ҳристианларни муслмон Абдулқодир Жазоирӣ ўз қаноҳига олиб, уйини уларга бошқана қифатида ҳавола этади. Христиан-французлар унинг она Ватанидаги диндошларига зулм қилаётган бир вақтда амир Абдулқодир Жазоирӣнинг қилган ишини қаранг-а! Ана сизга буюқлик, ана сизга Ислоқнинг улуглиги!

Тарихимизга тажовуз қилаётганлар томонидан Ислоқ умматининг ҳар қандай қахрамонига у ёқи бу мазмунда сохта айб қўйилади. Амир Абдулқодир Жазоирӣнинг ўлимидан қўнг унга ҳам қуракда турмайдиган айб қўйилди. Нима эмиш, амир Абдулқодир Жазоирӣ диний-ахлоқий ҳаракат саналадиган масонлар қамиятига аъзоси саналар эмиш. Ҳа, уммат қахрамонларига қўйилган айблар орасида мана шундай миш-миш гаплар ҳам бор эди. Ўша уйдирмаларга қўра, амир Абдулқодир Жазоирӣ Франция қамқонасида қазо ўташ даврида масонлар қамиятига аъзо бўлиб олган эмиш. Бу гап,

айникса давримиз ёшлари орасида кенг тарқалди. Бундай ёлгон маълумот тарқатувчилар томонидан келтириладиган далиллар кўриб чиқиладиган бўлса, уларнинг жуда заиф ва асоссиз эканлиги маълум бўлади. Масонлар амир Абдулқодир Жазоирӣнинг исмини ўз аъзоларининг рўйхатига ўлимидан сўнг киритганини ҳам ишончли далил сифатида кўриш мумкин эмас. Чунки буларнинг бари масончиликни амир Абдулқодир Жазоирӣга меҳр кўйган мусулмонлар орасида тарқатишга уринишдан ўзга нарса эмас. Ушбу масалани ўзи учун аниқлаб олмакчи бўлганлар машҳур Исломиё тарихшунос олим доктор Али Саллабийнинг «Жазоир халқининг француз истилосига қарши қураши ва амир Абдулқодир Жазоирӣнинг таржимаи ҳоли» деб номланган китобига мурожаат қилишлари мумкин. Доктор Саллабий ушбу ажойиб асарида аниқ далиллар келтириб, юқоридаги айбларга қатъий раддия келтирган. Шунингдек, у амир Абдулқодир Жазоирӣга тааллуқли, масалан, гўё у «борликнинг ягоналиги» (Ваҳдатул вужуд - «борликнинг ягоналиги» сўфийлик ақидаларидан бири. «Борликнинг ягоналиги» ақидасининг мазмун-моҳияти танҳо бир борлик, у ҳам бўлса фақат Худо мавжудлигидан иборатдир. Бу дунёда Худодан бошқа ҳеч қандай тирик жон йўқ. Борки нарса Худонинг ифодаси саналиб, мавжудлиги Худонинг мавжудлигига боғлиқдир. Аксарият тадқиқотчи ва танқидчилар ваҳдатул вужуд таълимотида пантеизм (кўп худоилик) турларидан бирини кўришмоқда.) ақидасига эътиқод қилганию шу қабил кўплаб шубҳаларга ҳам раддия келтирган. Қисқа қилиб айтганда, доктор Саллабий тарихимизга тажовуз қилаётганлар томонидан тарқатиладиган гапларнинг аксини, яъни амир Абдулқодир Жазоирӣ Исломиё дунёқараши тўғри, сунний, жазоирлик фидойи мужоҳид бўлганини аниқ, равшан тушунтириб ўтган. Хусусан, доктор Али Саллабий ўз асарида қуйидагича марҳамат қилади:

«Амир Абдулқодир Жазоирӣнинг масонларга дахлдорлиги ҳатто илмий танқидга ҳам ярайдиган гап эмас. Ундай айблов тарихий воқеликка умуман мос келмайди. Ушбу уйдирмаларнинг бари дин душманларига қаршилиқ кўрсатиш, уларга қарши қураш ва жиҳод масалаларида Илом умматининг тимсоллари саналадиган қахрамонларни бадном қилишга қаратилган информацион урушнинг маълум бир қисмидан ўзга нарса эмас. Аллоҳ шубҳа зулмати билан шайтоннинг ёлғони барҳам топиши учун ҳақ гапнинг ҳар томонлама намоён бўлишидан ташқари, бошқа нарсага йўл қўймайди».

Амир Абдулқодир Жазоирӣ умрининг қолган қисмини Дамашқда сургунда ўтаб, 1883 йили 26 май куни омонатини Аллоҳнинг марҳаматига топширди. Франция унинг йўқлигидан тўла-тўқис фойдаланиб, Исломиё идора тизимини ман этганча, Жазоирни ўз вилоятларидан бирига айлантириб олди. Шундан сўнг араб тилига барҳам бериб, ўрнига француз тилини жорий этишга қиришди.

Ат-Туробийнинг

"Илом умматининг 100 буюқ шахси" китобидан